



Порсо Хошим
Рубоийлар





ПОРСО ҲОШИМ

РУБОВАЛАР



Тошкент
«Гафаккур» нашриёти
2009

Порсо Ҳошимни элимиз зукко, билимдон олим сифатида яхши билади. Қўлингиздаги мўъжазгина рисолада эса у кишининг бадиий ижоди маҳсули бўлмиш рубойлари жамланган. Ушбу жажжи битиклар энг аввало ўзининг самимийлиги, оҳангдорлиги билан ажралиб туради. Порсо Ҳошим қисқа сатрлар аро чуқур фалсафий, ижтимоий фикрларни сингдириб юборишга ҳаракат қилган. Ўйлаймизки, ушбу тўплам шеърят ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотади.

ISBN 978-9943-372-11-5

© «Тафаккур» нашриёти,
2009 йил

1

Мени шоир деманг, шеър шайдоси денг,
Қайта сўраганга мубталоси денг.
Шеърларимни шеърмас, Умар Ҳайёмнинг
Буюк шеъриятин акс-садоси денг!

* * *

Meni shoir mang, she'r shaydosi deng,
Qayta so'raganga mubtalosi deng.
She'rlarimni she'rmas, Umar Hayyomning
Buyuk she'riyatini aks-sadosi deng!

2

Ўзи тўрт сатр шеър, тугал ва бийрон,
Маржондек тизилган қофия равон.
Лек ушбу сатрлар қатлами аро,
Ўн саккиз минг олам яшар фаровон.

* * *

O'zi to'rt satr she'r, tugal va biyron,
Marjondek tizilgan qofiya ravon.
Lek ushbu satrlar qatlami aro,
O'n sakkiz ming olam yashar farovon.

3

3

Мендан сўрасалар: Шеърият надир?
Дердим: Иймон нури — инсоний қадр,
Ожиз бандалиқдан юксалиб бориб,
Илоҳий нусратга етган нуқтадир!

* * *

Mendan so'rasalar: She'riyat nadir?
Derdim: Iymon nuri — insoniy qadr,
Ojiz bandalikdan yuksalib borib,
Ilohiy nusratga etgan nuqtadir!

4

Кел, соқий, қадаҳ сун, майиноб бўлсин,
Ишқ уйин янграган маст хитоб бўлсин.
Бўйла, тонг отмоқда, ўйнар саболар,
Қуёшим ҳуснидан тарки хоб бўлсин!

* * *

Kel, soqiy, qadah sun, mayinob bo'lsin,
Ishq uyin yangratgan mast hitob bo'lsin.
Bo'yla, tong otmoqda, o'ynar sabolar,
Quyoshim husnidan tarki xob bo'lsin!

4

5

Кўрдимки, дунёга келганим маҳал,
Чархи бузуқ экан, иплари чигал.
Тузатай дегандим, эгаси деди:
Тузатиб олсанг-чи, ўзингни аввал.

* * *

Ko'rdimki, dunyoga kelganim mahal,
Charxi buzuq ekan, iplari chigal.
Tuzatay degandim, egasi dedi:
Tuzatib olsang-chi, o'zingni avval.

6

Биздан илгари ҳам шу дунё бўлган,
Шу дунё талаши — можаро бўлган.
Лек ўшал чоғларда ҳам ҳийлагар — подшо,
Ҳақиқат талаблар, хор, гадо бўлган.

* * *

Bizdan ilgari ham shu dunyo bo'lgan,
Shu dunyo talashi — mojaro bo'lgan.
Lek o'shal chog'larda ham hiylagar — podsho,
Haqiqat talablar, xor, gado bo'lgan.

5

7

Дунё куни кеча дунё бўлганмас,
Ва ё ўтмиш фақат зиё бўлганмас.
Лекин, биз кундузги зулматгоҳдамиз,
Тарихда бу янглиғ риё бўлганмас.

* * *

Dunyo kuni kecha dunyo bo'lganmas,
Va yo o'tmish faqat ziyo bo'lganmas.
Lekin, biz kunduzgi zulmatgoҳdamiz,
Tarixda bu yanglig' riyo bo'lganmas.

8

Севги савдосига чалинганим он,
Илоҳий нуридан ёришди жаҳон.
Мен шунда илк бора қадримни билдим,
Мағрур атай олдим ўзимни Инсон.

* * *

Sevgi savdosiga chalinganim on,
Ilohiy nuridan yorishdi jahon.
Men shunda ilk bora qadrimni bildim,
Mag'rur atay oldim o'zimni Inson.

6

9

Онанг рози этсанг замон сеники,
На замон, замину осмон сеники.
Агар отангни ҳам рози этолсанг,
Ўн саккиз минг олам — жаҳон сеники.

* * *

Onang rozi etsang zamon seniki,
Na zamon, zaminu osmon seniki.
Agar otangni ham rozi etolsang,
O'n sakkiz ming olam — jahon seniki.

10

Севги фуқароси макон фарқламас,
Булбулнинг каломи забон фарқламас.
Дунёда инсоний маънавият ҳам,
Қуёш зиёсидек замон фарқламас.

* * *

Sevgi fuqarosi makon farqlamas,
Bulbulning kalomi zabon farqlamas.
Dunyoda insoniy ma'naviyat ham,
Quyosh ziyosidek zamon farqlamas.

7

11

Ҳаётнинг матлаби — севги хирожи,
Инсонлар умри ҳам тўланган божи.
Лаҳзалик висолнинг маҳрига етмас,
Қоруннинг ганжию Фиръавин тожи.

* * *

Hayotning matlabi — sevgi xiroji,
Insonlar umri ham to'langan boji.
Lahzalik visolning mahriga yetmas,
Qorunning ganjiyu Fir'avin toji.

12

Севишган дилларга бахт ҳамроҳ бўлсин,
Бахтиёрлик нури оромгоҳ бўлсин.
Умр йўллари ҳам қуёшу ойдек
Нурафшон, мунаввар ҳам порлоқ бўлсин.

* * *

Sevishgan dillarga baxt hamroh bo'lsin,
Baxtiyorlik nuri oromgoh bo'lsin.
Umr yo'llari ham quyoshu oydek
Nurafshon, munavvaar ham porloq bo'lsin.

13

Лабнинг шаккаристон асали — бўса,
Севги диёрининг ҳамали — бўса.
Икки жаҳон мулкин қовуштирган нур, —
Висол айёмининг машъали — бўса.

* * *

Labning shakkariston asali — bo'sa,
Sevgi diyorining hamali — bo'sa.
Ikki jahon mulkin qovushtirgan nur, —
Visol ayyomining mash'ali — bo'sa.

14

Қизлар яноғини гулзорга менгзанг,
Кўксини қўшалоқ анорга менгзанг.
Лабларнинг болидан нақш олган дамни
Олам келинчаги — баҳорга менгзанг.

* * *

Qizlar yanog'ini gulzorga mengzang,
Ko'ksini qo'shaloq anorga mengzang.
Lablarning bolidan naqsh olgan damni
Olam kelinchagi — bahorga mengzang.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1072> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1072> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1072>